

Агар эр хотинига «кўзимга кўринма, уйингга кетгин» деб ҳайдаса, бу талоққа...

15:09 / 26.04.2016 3285

Агар эр хотинига «кўзимга кўринма, уйингга кетгин» деб ҳайдаса, бу талоққа кирадими?

Албатта эр-хотин иттифоқ бўлиб яшашлари, бир-бирини хайдашлари, сўкишлари исломий ҳолат эмас. Лекин минг афсуски бундай ҳолатлар такрорланиб туради. Энди ўша пайтда уруш устида аччиқ қилиб эр "йўқол, тур, чиқиб кет, кўзимга кўринма, отангникига йўқ бўл" каби гапларни айтган бўлса, бу ерда "талоқ" сўзини айтмаганлиги учун ўша сўзларадан нимани ирода қилганлигини, ният қилганлигини сўрашга эҳтиёж тушади. Шу иш бўлди энди мана сўраляпти, ҳозир савол келди, шунда шу сўзларни айтган яъги хотинига "йўқол, чиқиб кет, отангникига бор" каби хайдаш маъноларини англатувчи сўзларни айтган эрдан сўралалди. Сиз "йўқол, кўзимга кўринма, чиқиб кет, отангникига бор" деган гапни айтганингизда нима ният қилгансиз, талоқ нияти қилганман деса талоқ тушади. Йўқ энди урушиб қолдик, икковимизни ҳам аччиғимиз чиқиб турибди. Яна бирга турсак уруш авж олиб, газак олиб ёмон оқибатларга олиб бормасин бироз ажрашиб кўзимга кўринмай турса, икковимиз ҳам аччиғимиздан тушиб кейин ярашиб кетармиз деган ниятда айтганман деса талоқ бўлмайди. Бундай нарсаларни "киноя" дейилади. Кинояли сўзларни айтилганда дарҳол талоқ тушганига ҳукм қилинмайди. Балки эрнинг нияти сўралади, эр кинояли сўзларни айтишда талоқни ният қилган бўлса талоқ тушади, талоқни ният қилмаган бўлса тушмайди.